2010-yil 3-aprel № 41 (2766) shanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора ошиб бораётганини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.*

Ислом КАРИМОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ ҳамда қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, болалар спорти объектларида болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт устозлари бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда қўшиб бериладиган устама ҳақ белгиланиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг «Таълим» бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий органлари бир ой муддатда қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметаларини мазкур қарор талаблари билан мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 апрел

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**



## Юртга садоқат қасамёди

Орият, садоқат ва лафзни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз қасамёд қилганларга юксак ишонч билдирган. Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бундай эзгу фазилатлар давом этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойида илк бор ўтказилган аскарларнинг қасамёд қилиш маросимида шулар ҳақида сўз юритилди.

Тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари Т.Ҳамроқулов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М.Зуфарова, аскар онаси Раъно Ҳамдамова ва бошқалар аскарларни халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга тантанали қасамёд қилгани билан табриклаб, уларни ўз йигитлик бурчини виждонан ўташга чақирди.

— Ушбу бетакрор монумент Ватанга садоқат, халқимизнинг фидойи ўғлонларининг мардлиги ва жасоратининг ёрқин тимсолидир, — дейди капитан Абдуҳаким Набижонов. — Аскарларнинг қасамёд қилиш маросими бу ерда ўтказилиши уларга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Юртбошимиз ушбу монументнинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, ёш авлодни миллий ғоя, мардлик ва матонат руҳида тарбиялашда улар учун маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган бундай таъсирчан бадиий тимсолларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА)**
**олган сурат**

## Янги кун янгиликлари

**Тошкент вилояти.** Юқори Чирчиқ туман халқ таълими бўлимида Баркамол авлод йилига бағишлаб ташкил этилган тадбирда юртимизда кечаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди. Мазкур анжуман Ўзбекистон халқ демократик партияси туман кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси ҳамда савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтди.

Тадбир сўнгида 35 нафар фидойи таълим ходимига ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Сирдарё вилояти.** Сардоба тумани марказида янги савдо дўкони иш бошлади. Дўконда мева-сабзавот, полиз ва чорва маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган бўлиб, савдо-сотиқ пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда.

Савдо дўконига маҳсулотлар тумандаги фермер хўжаликларидан келтирилаяпти. Иссиқхоналарда етиштирилган помидор, бодринг, булғори қалампир каби сабзавот маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

**Андижон вилояти.** Олтинкўл туманида намунавий лойиҳа асосида барча қулайликларга эга 20 та замонавий турар-жой фойдаланишга топширилади. Бугунги кунда ихтисослаштирилган «Воҳа қурилиши» корхонаси қурувчилари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Қурувчилар бу уйларни йил охиригача эгаларига топшириш ниятида.

**Наманган вилояти.** Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғида яшовчи Эргашбой Қосимов ҳовлисида лимонарий ташкил этиб, оила аъзолари билан дастлабки йилда 4 сотих иссиқхонада 50 туп лимон кўчати парваришлаган бўлса, кейинги йилда 2 сотих ерни ҳам шу мақсад учун ажратди.

Ҳозир Э.Қосимовнинг олди кўчатлари 12 ёшда. Ҳар тупидан олинадиган ҳосил эса 25-30 кг.ни ташкил этмоқда. Кейинги йилларда лимон кўчати етиштириш йўлга қўйилди. Бу йил улардан 100 тупини бозорга чиқарди.

**Фарғона вилояти.** Марғилон шаҳридаги «Адрас» меҳмонхонасида ЮНЕСКО ҳомийлигида «Миллий либос — замонамиз кўрки» шиори остида «Водий камалаги» мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда қўшни Андижон, Наманган, Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятидан, Фарғона, Қўқон шаҳарларида фаолият кўрсатаётган уста чеварлар, дизайнерлар иштирок этиб, икки кун давомида миллий либослар тайёрлаш учун мато саралаш, либослар учун андоза чизиш, либослар устида ишлаш жараёнлари бўйича ўзаро тажриба алмашишди. Тадбир сўнгида ёш ҳунармандлар томонидан тайёрланган миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди.

**Қашқадарё вилояти.** Яккабоғлик тадбиркор Ўткир Бозоров «Комбала форел» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмасини ташкил этгач, Уламжи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 7,5 гектарлик сунъий кўлни таъмирлаб, 15 минг дона балиқ чавақлари ташлаган эди. Ҳозир бу ерда оқ амур, сазан, дўнг пешона каби балиқлар боқилиб, ҳар бирининг вазни 1-1,2 килограмдан ошиб қолди. Фирма жамоаси жорий йилда истеъмолчиларга 10 тоннага яқин парҳез гўшти етказиб беради.

**Ўз мухбирларимиз**

**Етакчи минбари**

***Шиддат билан одимлаётган давр замон билан ҳамнафас яшашни, ишлаб чиқаришни модернизация қилишни, соҳага янги ғояларни киритишни талаб этмоқда. Бунга «лаббай» деб жавоб берган жамоамиз Наврўз айёмини янги М-300 русумли автомобил ишлаб чиқариш билан кутиб олди. Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидоргирлиги бизни қувонтиради, албатта.***



## Янги марралар сари...

Ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси доирасида касаба уюшма қўмитасининг ўз ўрни бўлиши учун фаол иш олиб борилмоқда. Жумладан, касаба уюшма қўмитамиз қошида «Асака автомобилсозлик люкс» унитар корхонаси ташкил қилиниб, 5 нафар янги иш ўрни ташкил қилинди. Улар паррандачилик билан шуғулланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш дастурига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги кунда 94 та маҳаллий корхона 1143 та автомобил эҳтиёт қисмлари етказиб бермоқда. Улар сафига 2009 йилда 12 та янги корхона қўшилди. Бунинг натижасида 710 та янги иш ўрни яратилди.

Янги иқтисодий шароитда касаба уюшмалари олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни масъулият билан адо этиш йўлидан бориб, асосий эътиборни ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратмоқдамиз. Бу ишларни амалга оширишда корхона раҳбарияти билан тузилган жамоа шартномасининг аҳамияти катта.

Инсон саломатлиги, унинг эртаси учун қайғуриш, аъзоларимизнинг ишчанлик кайфиятини шакллантириш касаба уюшмасининг асосий вазифаларидан бири. Ўтган йил давомида 598 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар сиҳатгоҳларда ва дам олиш уйларида соғлиқларини тиклади. Бундан ташқари, энг илғор, жамоат ишларида фаол иштирок этган ишчи-хизматчиларнинг 108 нафари касаба уюшмамиз томонидан берилган бепул йўлланма орқали Андижон-Самарқанд-Бухоро-Тошкент йўналиши бўйича саёҳатга юборилди.

Бугина эмас, ҳар йили ўтказилаётган тиббий кўрик натижасига кўра, Андижон вилоят клиник шифохонасида 110 нафар ишчи-хизматчимиз бепул даволанди.

Ўтган йили ўқувчилар ёзги таътили даврида корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ҳамда Асака шаҳрида яшовчи кам таъминланган, кўп болали оила фарзандларининг 800 нафари вилоятимизнинг энг сўлим ва хуш манзара болалар оромгоҳларида бепул дам олдирилди. Корхонамизда ишлаб, вафот этган ходимларнинг 65 нафар фарзанди бепул ўқув қуроллари билан таъминланди.

Ёшлар — мамлакат келажаги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисмидир. Шу боисдан ҳам корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар белгиланиб, бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш яхши йўлга қўйилган бўлиб, хусусан, ишчи-ходимлар орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлик сари дадил одимлаш биз учун бундан буён ҳам муҳим йўналиш бўлиб қолаверади.

**Мирфозил ОЛИМОВ,**
**«GM-ЎЗБЕКИСТОН» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

**Тезкор интервью**

## Шароит бор

### ҳамма гап ундан фойдаланишда

***Яқинда ЎзКУФК мажлислар залида Республика Бош Прокуратураси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда «Республикада 2010 йилда қорамоллар бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар» Давлат дастурининг бажарилиши хусусида фикр юритилди.***

***Жумладан, Андижон вилоятининг Бўз, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Бухоро вилоятининг Вобкент туманлари касаба уюшмалари саъй-ҳаракати намунали деб топилиб, уларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштириш тўғрисида бир тўхтамга келинди. Бўз тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Бозорбой Бобораҳимов бу ҳақда шундай дейди:***

— Чорвачиликни ривожлантириш эл дастурхони тўкинлигини таъминлашнинг асосий омилларидан саналади. Президентимизнинг фармон ва қарорлари ижросига доир ишлаб чиқилган дастур иш кўламини юксалтиришга туртки берди. Туманимизда доимий фаолият юритувчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, амалга оширилаётган ишлар мониторинги олиб борилмоқда. Ҳар бир ишда кўмакдош бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Асосий вазифа чорва молларидан олинаётган маҳсулотларни кўпайтиришни тарғиб қилиш, унга етарли шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Маълумки, маҳсулдорликни ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда боқилаётган қорамоллар ем-хашаги, озуқаси бирламчи ўринда турса, яна бир жиҳати унинг наслдорлиги билан боғлиқ. Тез-тез жойларда бўлиб, бу ҳақда ва яна бир муҳим масала — сунъий қочиришнинг аҳамияти тўғрисида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари юритиляпти. Айниқса, бу масалада хонадонлардаги қорамолларга асосий эътибор қаратилмоқда. Кези келганда, «Ховос», «Озод», Маннон Жалолов номли ҳамда «Ўзбекистон» массивларидаги шохобчалар аҳолига намунали хизмат кўрсатаётганлигини таъкидлаш жоиз. Уларда сут йўналишидаги «Голштейн Фриз», «Қизил чўл зоти», гўшт-сут йўналишидаги «Швиц», гўшт йўналишидаги «Санта Гертруда», «Қозоқи оқбош» зотли қорамоллар бор.

Шу ўринда сунъий қочиришнинг афзаллиги тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтишга тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрича, уй шароитида кунига 5 литрдан сут бераётган сигирдан олинган зотдор наслнинг маҳсулдорлиги камида икки баробар, яъни 10-14 литргача ўсади. Айниқса, «Голштейн фриз», «Қизил чўл зоти» зотли наслли қорамолларга талаб даражасида озуқа берилса, миқдор 40 литргача етади. Гўшт йўналишида боқиладиган оддий қорамол кунига 300-400 граммгача семирса, наслли қорамол бир кунда 1 килограммгача вазн олади. Мисоллардан кўриниб турибдики, сунъий қочириш маҳсулдорликни оширишда катта аҳамият касб этади.

Айни пайтда туманда 12 минг 166 бош қорамол парвариш қилиняпти. Айтайлик, 8400 бош сигирнинг 70 фоизи, яъни 5880 боши ҳар куни ўртача 5 литрдан сут берса, жами 29 минг 400 литрни ташкил этади. Ана шу миқдорни сунъий қочириш ҳисобига олинган наслли сигирларга алиштириб кўрайлик, унда кунлик маҳсулот миқдори 12 литрга етади. Бу 5880 х12 — 70560 литр демакдир. Ўртадаги кунлик фарқ 41 минг 160 литрга тенг.

Хуллас, чорва маҳсулдорлигини нафақат 30 фоизга, балки ундан ҳам кўпроққа ошириш имконияти бор. Бунинг учун жойлардаги шохобчаларга мурожаат қилинса бас. Бугунги кунда аҳолининг аксарияти сунъий қочириш афзалликларини тушуниб етмоқда.

**А. ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

